



Чирокчи туман йўллардан
фойдаланиш унитар корхонаси
директори Ж.Авлаёров

2022 йил

БУЮРТМАЧИ:

**“Чирокчи Туман Йўлларидан Фойдаланиш Унитар
Корхонаси**

Махсус техникани ижарага олиш буйича

ТАНЛОВ эълон қилади

Чирокчи туман 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

АСОС: Ушбу йуриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Узбекистон Республикаси «Давлат харидлари тугрисида»ги Конуни 7-боб 56-моддасига асосан ҳамда Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан утказилган Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг «Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва утказиш тугрисидаги» тартиби асосида ишлаб чикилди.

2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Узбекистон Республикаси «Давлат харидлари тугрисида»ги Конуни 56 моддаси.

56-модда. Энг яхши таклифларни танлашни утказиш мезонлари

Энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) воситасидаги давлат хариди куйидаги шартлар бир вақтнинг узида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

Ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафакат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга булади;

Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) киймати бир шартнома буйича баъзавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилари учун олти минг бараваригача) булган миқдорни ташкил этади.

Агар Узбекистон Республикаси президентининг фармонлари ва қарорлари, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан давлат буюртмачиларига тендер утказмасдан харидларни амалга ошириш ҳуқуқи берилса, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъий назар танлаш орқали амалга оширилади. Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) киймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг (бюджет буюртмачилари учун олти минг) баравари миқдоридан ошган ҳолларда давлат харидига доир техник топшириқлар қонунчиликда белгиланган тартибда экспертиза учун Узбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар қорхонасига (бундан буён матнда Комплекс экспертиза қилиш маркази деб юритилади) қиритилади.

Танлаш мажбурий тартибда электрон шаклда утказилади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Чирокчи туман йуллардан фойдаланиш унитар қорхонаси Танлов ва Тендир утказиш буйича махсус комиссия аъзолари ҳақида маълумот.

Комиссия раиси: Авлаёров Жуманазар. Лавозими: Чирокчи туман йуллардан фойдаланиш унитар қорхонаси директори.

Комиссия аъзоси: Жабборов Бозор. Лавозими: Чирокчи туман йуллардан фойдаланиш унитар қорхонаси бош муҳандиси.

1. Комиссия аъзоси: Маҳматбердиев Усан. Лавозими: Чирокчи туман йуллардан фойдаланиш унитар қорхонаси бош ҳисобчиси.

2. Комиссия аъзоси: Шеннаев Мансур. Лавозими: Чирокчи туман йуллардан фойдаланиш унитар қорхонаси бош механиги.

3.Комиссия аъзоси: Омонов Зокир. Лавозими: Чирокчи туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси бош мутахасисис.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

№	Махсулот ёки иш хизмат номи	Улчов бирлиги	сони	Уртача бошлангич бир ойлик нархи	сумма
1	Chakman 25тонналик	ой	1	46 000 000	46 000 000
	Жами:				46 000 000

- 1.1. Танлов охириги киймати – 46 000 000,0 (Кирк олти миллион) сумм ККС билан. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди. Ушбу танлов яқунлари бўйича голиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.2. Ушбу танлов яқунлари бўйича голиб чиққан «Бажарувчи» билан шартнома тузилади.
- 1.3. Ишларни бажариш муддати: Голиб чиққан «Бажарувчи» билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график бўйича.
- 1.4. Ишларни бошлаш муддати: Аванс маблаглари утказилган кундан бошланади.

2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Чирокчи туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси (бундан кейин - «Буюртмачи») деб аталади - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2 Буюртмачи манзили: Чирокчи туман Р.Абдуллаев кучаси 77-уй

2.3 Тел: +998(55)401-09-13

2.4 Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 **Диккат:** Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.2 Иштирокчилар уз таклифларини электрон қурилишда (Harid.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштирилиши лозим.

3.3 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирокчи» ихтиёрига қура узбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4 Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари:

1. Чирокчи ТЙФУК дериктори номига ёзилган ариза.
2. Давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисида гувоҳнома. ва қорхона тургисида маълумотнома (қорхонанинг юридик манзили аълоқа учун телефон рақам)

3. Корхона рахбарининг фуқоралик паспортдан нусха.
4. Солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома.
5. Автотранспортнинг Тех паспортдан нусха
6. Инсофсиз ижрочилар реестрига йўқлиги тугрисида қафолот хати

4.1 Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда нДФ қуринишида тақдим этилишлари лозим.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тугрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир

6. Танлов иштирокчиси :

6.1. Фақат битта таклиф бериш мумкин:

6.2. Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар бўлади;

6.3 Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

7. Буюртмачи мажбуриятлари.

7.1 «Буюртмачи» махсус транспорт воситасини доимий иш билан таъминлаш қафолотини олмайди.

7.2 Шартнома шакллангандан сунг 30% олдиндан аванс тулов тулаб берилади, қолган 70% тулов Бажарувчининг бажарган иш хизматига қараб бўлиб тулаб берилади. Агар шартнома ижроси бажарувчи томонидан амалга оширилмаса буюртмачи қолган 70% туловни тулашга мажбур эмас.

8. Бажарувчи мажбуриятлари.

8.1 «Бажарувчи» уз машинасини ишчи ҳолатида бўлишини ҳамда, техника ҳавфсизлиги санитария талабларига жавоб берган ҳолда қурилиш монтаж ишларида узилиш бўлишига йул қуймасликни таъминлаш;



8.2 «Бажарувчи» «Буюртмачи»га ҳисоб-фактурани уз вақтида тақдим этади яъни бажарилган иш ойнанинг кейинги ой 5-санасигача тақдим этиши керак. «Буюртмачи»нинг ички бухгалтерия ҳисобларининг кечикишига йул қуймайди.




8.3 «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан (Xarid.uzex.uz) электрон порталига қулланма сифатида қуйилган шартномани реквизитларини тулдириб имзо ва муҳрлаб 10 кун ичида қайта юклаши зарур. Ёки Didox.uz сайти орқали «Буюртмачи»га шартнома тақдим этиши керак. Тақдим этилган шартнома (Xarid.uzex.uz) электрон порталига қулланма сифатида қуйилган шартнома мазмуни билан бир хил қуринишда бўлиши керак. Шартнома мазмунини «Бажарувчи» узгартирганда «Буюртмачи» томонидан қабул қилинмайди. 10 кун ичида шартнома 2 тарафлама тасдиқланмаса шартнома тузилмаган ҳисобланади.

Чирокчи туман йулларидан фойдаланиш унитар қорхонаси давлат харидларини утказиш бўйича ишчи қоммисия аъзолари:

Қоммисия азолари :

Раис :

 Ж.Авлаёров
 Б.Жабборов

У.Махматбердиев

М.Шеннаев

З.Омонов

БҮЮРТМАНИ:

Чирчик туман Иуалтаридан Фойдаланица Уингар
Корхониси

Махсус техникани ижарига олиши буйича

ТАВЛОВ эълави килдири